

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 339.9.01(575)

ЭРҚЎЗИЕВ АНВАРЖОН АШУРОВИЧ

**ЎРТА ОСИЁ ВА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ЎРТАСИДАГИ
ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР
(XVI – XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ)**

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Диссертация Наманган давлат университетининг факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

тарих фанлари доктори
Агзамова Гулчеҳра Азизовна

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, профессор
Абдурахимова Нодира Абдуловна

тарих фанлари доктори, профессор
Фармонов Раҳмон Фармонович

Етакчи ташкилот

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Ҳимоя 2009 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ).

Автореферат 2009 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби**

т.ф.н., доц. А.А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида, эркин тафаккурга эга ва миллий ғоя онги ва қалбига сингдирилган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг роли жиддий равишда ортиб бормоқда. Тарих “... миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда”¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарихий хотира ҳақида фикр юритар экан: “Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади,”² – дея ҳақли тарзда қайд этган эди.

Тарих фанининг жамият тараққиётидаги ролининг ўсиб бориши натижасида унинг олдида турган долзарб муаммолар кўлами аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар ва журналистлар билан 1998 йил 26 июнда бўлган учрашуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида тарихчилар олдида турган долзарб муаммолардан бири сифатида ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, давлатчиликнинг турли тарихий босқичларида Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш зарурлиги кўрсатиб берилди³. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан ҳозиргача кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг турли масалаларини қамраб олган тадқиқотлар юзага келди. Улар жумласига қарама-қаршиликларга бой, мураккаб воқеликлар тизимидан иборат хонликлар даври тарихини киритиш мумкин. Сўнгги йиллар мобайнида тарихчилар ва шарқшунослар томонидан амалга оширилган чуқур, кенг қамровли манбашунослик ишлари, тарихий манбалар ва XVI – XIX асрнинг биринчи ярмига оид ҳужжатларнинг нашр этилиши ушбу давр тарихини янгича, объектив, холисона тарзда тадқиқ қилиш учун замин яратди. Бироқ, бу давр тарихининг кўпгина муаммолари бугунги кунга қадар ўзининг етарли даражада илмий тадқиқини топмаган. Улар жумласига Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа билан иқтисодий алоқалари масаласини киритиш мумкин. Зеро, ташқи алоқалар давлатчилик тараққиётини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб, улар тарихини ўрганиш XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари аҳолисининг жаҳон халқлари билан олиб борган иқтисодий алоқалари, бу алоқаларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 137.

² Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent., Ma'naviyat, 2008. – B. 97.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори // Халқ сўзи. 1998 йил 28 июль.

турлари, асосий хусусиятлари, уларнинг эволюцияси ва босқичлари, ўзаро алоқалар ривожига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатган омилларни тадқиқ этиш орқали Ватан тарихи, хусусан, давлатчилик тарихининг кўпгина муаммоларига ойдинлик киритиш мумкин. Бу ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайдиган муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорлиги кенгайганлиги мазкур тадқиқот долзарблигини янада оширади. Ўзбекистон – Европа ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ва илмий-маданий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганлиги Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан тарихий алоқаларининг ўзига хос томонларини очиқ беришни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, Европа давлатлари билан кенг кўламдаги сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий алоқаларни амалга ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Бу алоқаларнинг тарихий илдизлари қадимги даврларга бориб тақалиб, Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк ипак йўли билан бевосита боғлиқдир. Трансконтинентал аҳамиятга эга бу йўл орқали амалга оширилган иқтисодий алоқалар туфайли унинг трассалари ўтган ҳудудлар аҳолиси ишлаб чиқариш усуллари, маданий ютуқларини ўзаро айирбошлаганлар, уларнинг тафаккури турли халқлар ҳақидаги маълумотлар билан бойиб борган. Ўзбекистон бу жараён фаол кечган ҳудудлардан бири ҳисобланган.

XVI асрга келиб Буюк ипак йўли ўзининг трансконтинентал аҳамиятини йўқотганидан сўнг Европа мамлакатларининг Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё билан иқтисодий алоқалари қай йўсинда амалга оширилди, бу алоқалар тараққиётининг асосий босқичлари қандай ижтимоий-сиёсий воқелик билан тавсифланади, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган Европа давлатларининг бу борадаги сиёсатини муҳим жиҳатлари нимадан иборат эди, каби саволларга жавоб топилиши Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати амалиётида илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Тадқиқот учун даврий чегара қилиб XVI–XIX асрнинг биринчи ярми олинди. Ушбу даврда Буюк ипак йўлининг трансконтинентал аҳамияти тушиб кетганлигига қарамасдан, Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа билан иқтисодий муносабатлари давом эттирилди. Икки ҳудудда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тараққий этиб борди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу тарихшунослигига оид адабиётларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар; 2. Совет даври адабиётлари; 3. Мустақиллик йилларида мавзуга доир нашр этилган тадқиқотлар; 4. Хорижий муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳ адабиётларини ўрганиш шуни кўрсатадики, XIX аср 50-йилларига келиб, Россия империясининг ўз иқтисодий манфаатларини Ўрта Осиёнинг бой имкониятлари эвазига кенгайтиришга интилиши, бу ерда ушбу ҳудуднинг савдо-иқтисодий ҳолатига доир бир қатор асарлар вужудга

келишига сабаб бўлди. Улар жумласига П.Голубков, Ф.Ф.Бобылев, С.О.Гулишамбаров, А.Губаревич-Радобильский, М.В.Довнар-Запольский, Б.Г.Курц асарларини киритиш мумкин¹. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг Россия билан муносабатлари тарихи ёритилган В.В.Григорьев, П.И.Небольсин ва С.В.Жуковский асарларида Европа билан савдо алоқаларда муҳим ўрин тутган йўллар ҳақида баъзи маълумотлар берилган². Бу даврда чоп этилган айрим асарларда Ғарбий Европа-Ўрта Осиё иқтисодий алоқаларининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи баъзи маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, Н.И.Костомаровнинг XVI–XVII асрларда Москва давлатининг ташқи савдо алоқаларига оид асарида бу давлат ҳудуди орқали Европа мамлакатларидан Бухоро, Хивага олиб ўтилган маҳсулотлар ҳақидаги айрим маълумотлар эътиборга лойиқ³. Н.И.Веселовскийнинг Ўрта Осиё ва Эрон, хусусан, Хива хонлигига бағишланган асарларида эса хонликнинг Волга бўйи, Каспий ва Орол денгизи ҳавзалари, Ўрта Осиёнинг ички ҳудудлари билан олиб борган савдоси ва маҳаллий аҳамиятга эга савдо йўллари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган⁴. “Магазин земледения и путешествий” тўпламининг барча томларида Хитойдан Ўрта Осиё орқали Европа ва Россияга олиб борилган савдо моллари хусусида хорижлик сайёҳларнинг фикрлари берилган бўлиб, ипак, чой ва ровоч европалар томонидан кадрланадиган маҳсулотлар сифатида қайд этилган⁵.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда Ўрта Осиёнинг Европа мамлакатлари билан савдо алоқалари ҳақида умумий характерга эга қисқа маълумотлар мавжуд бўлиб, бу алоқаларда Россия омилига юқори баҳо берилган ҳамда Ўрта Осиё хонликларининг бу давлат билан савдо алоқаларининг тарихий илдизлари, унинг ҳудуди орқали хонликларга кириб келган Европа моллари хусусида айрим маълумотлар мавжуд. Бироқ, уларда Ўрта Осиё ва Европани бевосита боғловчи савдо йўллари ва йўналишлари, улардаги ўзгаришлар хусусида маълумотлар кам учрайди.

¹ Голубков П. О торговом пути в Среднюю Азию и Индию через Россию. – М., 1847. – 15 с; Бобылев Ф.Ф. Сближение Средней Азии с Европою. – Тифлис., 1858. – 32 с; Гулишамбаров С.О. Всемирная торговля в XIX веке и участие в ней России. – СПб., 1898. – 230 с; Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб., 1905. – 130 с; Довнар-Запольский М.В. Торговля и промышленность Москвы в XVI–XVII в. – М., 1910; Унинг ўзи. Русская история в очерках и статьях. В 3-томах. – Москва-Киев., 1912; Курц Б.Г. Сочинение Кильбургера о русской торговле в царствование Алексея Михайловича. – Киев., 1915. – 606 с.

² Григорьев В.В. Описание Хивинского и дороги туда из Сарайчиковой крепости. – Оренбург., 1861. – 138 с; Унинг ўзи. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шамса Бухари. – Казань., 1861. – 108 с; Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азии // Записки РГО. Кн. 10. – СПб., 1855. – С.1–355; Унинг ўзи. Очерки торговли России с странами Средней Азии Хивой, Бухарой и Коканом (со стороны Оренбургской линии.) – СПб., 1856. – 370 с; Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Пг., 1915. – 215 с.

³ Костомаров Н.И. Очерки торговли Московского государства XVI и XVII столетиях. – С.Петербург., 1906. Т.20. – С. 233–422.

⁴ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – 364 с; Унинг ўзи. Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией. – СПб., 1890. Т.1. – 453 с; Унинг ўзи. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в // Журнал Министерства народного просвещения. 1891 г. январ. – С. 48-72.

⁵ Магазин земледения и путешествий. Географический сборник издаваемый Николаем Флоравым. В 5-томах. – М., Изд. А.Семёнова, 1852-1858.

Иккинчи гуруҳга мансуб совет ҳукмронлиги даврида нашр этилган адабиётлар мавзу тарихшунослигининг айрим қирраларини очиб берувчи маълумотларга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Улардан бири, И.А.Ремезнинг тадқиқоти ҳисобланиб, унда муаллиф Бухоронинг Европадаги йирик савдо марказлари – Марсель, Истамбул билан алоқалари ҳақидаги айрим маълумотларни берган¹. Бироқ, асар даврий жиҳатдан XIX аср охири – XX аср бошларини қамраб олган бўлиб, XVI–XIX асрлар оралиғидаги Бухоро–Европа иқтисодий алоқалари муаллиф назаридан четда қолган.

Н.А.Рожков, А.Панков, А.Чулошников, М.В.Фехнер, А.А.Преображенский, Н.А.Халфин, Г.А. Михалеванинг Ўрта Осиё – Россия савдо алоқаларига бағишланган асарларида ҳам Европа мамлакатларининг Россия воситасида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари билан савдо алоқалари ўрнатишга бўлган интилиши, хонликларга олиб келинган Европа маҳсулотлари, Ўрта Осиёнинг савдо-иқтисодий марказларидан Европа бозорларига чиқарилган моллар ва уларга бўлган талаб хусусидаги қисқа ахборотлар берилган².

Россияда фан-техника тараққиёти тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятлари устида олиб борилган тадқиқотларда эса Ўрта Осиёнинг Европа билан савдо алоқалари шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутган Россия савдо марказлари тўғрисида айрим маълумотлар берилган³.

Бу даврда ўзбекистонлик тарихчи олимлар томонидан ҳам ўрганилаётган мавзунинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Р.Г.Мукминова XVI асрда Бухоро ва Самарқандда мавжуд бўлган хунармандчилик тарихига бағишланган тадқиқотида Европа – Ўрта Осиё савдо алоқаларининг айрим қирраларини очиб беришга хизмат қилувчи баъзи маълумотларни келтиради⁴.

Ҳ.З.Зиёевнинг бир қатор асарларида бухоролик савдогарларнинг европалик савдогарлар билан Россиянинг турли шаҳарлари ва ярмаркаларида бевосита олиб борган савдо алоқалари масаласига ҳам тўхталиб ўтилган⁵.

¹ Ремез. И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т., 1922. – 45 с.

² Рожков Н.А. Русская история в сравнительно-историческом освещении. Дворянская революция в России. Первый и второй моменты. Первый момент–Московская Русь второй половине XVI века. В 12-томах. Том IV. Част 1. – Пг-М., Книга, 1923. – 316 с; Панков А.В. К истории торговли Средней Азии с Россией XVI–XVII вв / В.В. Бартольд. Туркестанские друзья и ученики и почитатели. – Т., 1927. – С. 20–47; Чулошников А. Торговля Московского государства со Средней Азией в XVI–XVII вв // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч.1. – Л., 1932.–504 с; Фехнер М.В. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI веке. – М., Изд. Государственного исторического музея, 1952. – 138 с; Преображенский А.А. Из истории сношений Русского государства со Средней Азией. (Два посольства торгового человека А.Грибова) // Исторические записки.– Москва., 1952. – №36. – С.269–289; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. – М.: Наука, 1974. – 404 с; Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII–первой половине XIX века. Ремесло, торговля, пошлин. –Т.: Фан, 1991. – 112 с; Унинг ўзи. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII–первая половина XIX в.) – Т.: Фан, 1982. – 92 с.

³ Пекарский П.П. Наука и литература в России при Петре Великом. В 2-х т. – СПб., 1862. Т.1. – 578 с; Райнов Т.И. Очерки по истории донаучного и естественнонаучного воззрений на природу. Част 1-3. – М., Изд.АН СССР, 1940. – 508 с; Лебедев Д.М. География в России XVII века. –М-Л., 1949. – 233 с.

⁴ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. – Т.: Фан, 1976. – 233 с.

⁵ Зияев Х.З. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI–XIX асрлар). –Т., 1962. – 88 б; Унинг ўзи. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI–XIX асрлар). –Т., 1965; Унинг ўзи. Узбеки в Сибири (XVII–XIX вв.) –Т.: Фан, 1968. – 74 с; Унинг ўзи. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI – XIX вв. –Т.: Фан, 1983. – 167 с.

Ўрта Осиё ва Европа ўртасида савдо алоқалари олиб борилган транзит карвон йўллари масаласининг айрим жиҳатлари Ю.В.Визе, Е.Л.Штейнберг, Н.Т.Никашидзе, А.П.Новоцелцев, Г.Жордания, В.Б. Вилинбахов, В.М.Потин, Э.Г.Истомина, С.А.Мамедов, А.Е.Леонтьев, И.В.Дубов, С.Б.Ашурбейли, С.У.Дадашева, А.М.Сванидзе ва бошқалар¹ томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз аксини топган. Хусусан, В.А. Танаевский Ўрта Осиё ва Европа ўртасидаги савдо алоқалари олиб борилган жанубий ва шимолий савдо йўллари ўзаро солиштириб, шимолий йўлни савдо алоқаларида қулай ва даромадли деган хулосага келган².

Бу даврда Кавказорти мамлакатларида нашр этилган адабиётларда ҳам Европани Ўрта Осиё билан боғловчи йўллар, Каспий денгизи орқали олиб борилган савдо муносабатлари ҳақида қисман маълумотлар берилган. Хусусан, XVIII асрда Кавказорти шаҳарларининг Европа – Осиё транзит савдосидаги аҳамияти, транзит савдода хориж савдо молларидан олинадиган бож тизими ва миқдори ҳақидаги эътиборга молик маълумотлар Ф.М.Алиев ва М.Х.Гейдаровнинг тадқиқотида ўз аксини топган³.

Л.И.Юнусова Каспий денгизи қирғоқларида инглиз савдогарларининг фаолиятларини тадқиқ этиб, транзит ҳудуд сифатида Россия орқали Ўрта Осиёдан Европага олиб кетилган ва у ердан олиб келинган савдо маҳсулотлари миқдорини аниқлашга ҳаракат қилган⁴.

Бу даврда амалга оширилган Ўрта Осиёнинг Россия билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларда хонликлар савдогарларининг Россия ҳудудида европаликлар билан олиб борган савдо муносабатларига доир айрим маълумотлар берилган⁵. Уларда Россиянинг савдо-иқтисодий марказлари,

¹ Визе Ю.В. Северный морской путь. –Л-М., 1940. – 92 с; Штейнберг Е.Л. Первые исследователи Каспия (XVIII– XIX вв.) – М., 1949. – 73 с; Никашидзе Н.Т. Русско-английские отношения во второй половине XVI века. –Тбилиси., 1955. – 154 с; Новоцелцев А.П. Города Азербайджана и Восточной Армении в XVII–XVIII вв // История СССР. – Москва, 1957. –№1. – С. 87–108; Жордания Г. Очерки из истории франко-русских отношений. Част 2. –Тбилиси., 1959. – 465 с; Вилинбахов В.Б. Балтийско–Волжский путь // Советская археология. – Москва, 1963. –№3, – С. 126-133; Потин В.М. Древняя Русь и европейские государства в IX–XIII в. – Ленинград., 1968. – 239 с; Истомина Э.Г. Водные пути России во второй половине XVIII– в начале XIX вв. – М., 1982. – 277 с; Мамедов С.А. Азербайджан по источникам XV– первая половина XVIII вв. – Баку., Элм. 1983. – 236 с; Киняпина Н.С., Блиев М.М., Дегоев Б.В. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России. – М., 1984. – 328 с; Леонтьев А.Е. Волжско-Балтийский торговый путь в IX в // Краткие сообщения института Археологии. – №183. – Москва, Наука. 1986. – С. 3-9; Дубов И.В. Великий Волжский путь. –Л., 1989. – 252 с; Ашурбейли С.Б. Экономические и культурные связи Азербайджана с Индией в средние века. –Баку., Элм. 1990. – 152 с; Дадашева С.У. Азербайджан в международной торговле XVI века: Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. –Баку: ИИ АН АзССР, 1991. – 23 с; Сванидзе А.М. Из истории торговли на Чёрном море в период османского государства (вторая половина XVI – XVII вв): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Тбилиси: Тб. ГУ, 1992. – 22 с.

² Танаевский В.А. Обзор развития экономико-географической мысли. Вып 1. – М., 1927. –127 с.

³ Алиев Ф. М. Место Азербайджана в международной-транзитной торговле в XVIII в // Материалы по экономической истории Азербайджана. –Баку., Элм, 1970; Унинг ўзи. Азербайджано-Русские отношения. – Баку., Элм, 1985. – 179 с; Гейдаров М.Х. О системе и количестве торгово-пошлинного сбора в Азербайджана XVIII в // Известия АН Аз ССР. – Баку, 1968, – №1. – С. 56-62.

⁴ Юнусова Л.И. Торговая экспансия Англии в бассейне Каспия в первой половине XVIII века. – Баку., 1988. – 158 с.

⁵ Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России с Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII- начале XIX века: Дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: ИИА АН Уз ССР, 1963. – 194 с; Пўлатов Ю. Русские-среднеазиатские отношения конца XVII-первой четверти XVIII века: Дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: ИИА АН Уз ССР, 1968. – 252 с; Гаффаров Ф. Россия билан Кўкон ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар (XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70 йиллар): Тарих фан.номз. ... дисс. –Т.: Ўз ССР ФА ТАИ, 1970. – 226 б;

Ўрта Осиё – Россия иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин тутган ҳудудлар, хусусан, Сибирь, Волга бўйи, Оренбургнинг ўрни чуқур ўрганилган. Гарчанд, уларда ўрганилган масалалар доирасида Ўрта Осиё – Европа алоқаларига оид айрим маълумотлар мавжуд бўлса-да, бевосита хонликлар ва Европа ўртасидаги иқтисодий муносабатлар масаласи махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Совет ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар, амалга оширилган тадқиқотлар коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан ёритилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Учинчи гуруҳни мустақиллик даврида яратилган адабиётлар туркуми ташкил этади. Бу даврда муаммони ўрганиш борасида амалга оширилган Ҳ.З.Зиёев, Г.А.Агзамова, О.М.Масалиева, Қ.Машарипов, З.А.Саидбобоев, Х.Ғ.Ғуломов ва бошқаларнинг тадқиқотларида Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, уларнинг ташқи алоқалари масалаларини ўрганиш асносида Ўрта Осиё – Европа алоқаларига оид муҳим маълумотлар келтирилган. Хусусан, Г.А.Агзамова ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё хонликларининг ташқи савдо фаолияти, шунингдек, уларнинг Россия савдо марказлари билан иқтисодий алоқалари, ҳудудларни ўзаро боғловчи йўллар ва уларнинг фаолиятида юз берган ўзгаришларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган¹.

Бу даврда Ўрта Осиё ва Россия муносабатлари бўйича ўз тадқиқотларини чуқурлаштирган Ҳ.З.Зиёев масаланинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи маълумотларга эга бир қатор асарларини эълон қилди².

Х.Ғ.Ғуломов XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиё хонликларининг Россия давлати билан дипломатик муносабатларини архив маълумотлари асосида таҳлил этган. Асосий эътиборини сиёсий алоқаларга қаратган муаллифнинг фикрлари Ўрта Осиё-Европа муносабатларини Россия омили орқали мантиқий боғлиқликда ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради³.

Ў.М. Мавлоновнинг тадқиқотида Ўрта Осиё ташқи алоқаларининг жанубий савдо йўллари чуқур ўрганилган. Аммо, уларда XVI асрдан кейин Ўрта Осиёнинг ташқи савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган шимолий

Амитов А. Русско-хивинские отношения в первой половине XIX века: Дисс.... канд. ист. наук. –Т.: ИИА АН Уз ССР, 1970. – 227 с; Гуломов Х.Г. Посольские связи Бухарского ханства с Россией в XVIII веке: Дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: ИИ АН Уз ССР, 1984. – 177 с; Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией (вторая половина XVI – первая половина XIX в.): Дисс. ... канд. ист. наук. –Т.: ИИ АН Уз ССР, 1990. – 195 с.

¹ Агзамова Г.А. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. –Ташкент, 1991. – №12. – С. 43-48; Унинг ўзи. К истории торговли Бухары XVI–первой половине XIX века // Общественные науки в Узбекистане. –Ташкент, 1991. – №9-10-11. – С.56-63; Унинг ўзи. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. –Т., 2000. – 52 б; Унинг ўзи. Среднеазиатские пути торговли и пути связывавшие их с Сибирью (первая половина XIX века) // История, проблемы объективности и нравственности. –Т., 2003. – С.54-58; Унинг ўзи. Волжско-Каспийский путь в XVI– первой половине XIX века // Тюркологический сборник. 2002. Россия и тюркский мир. – Москва., 2003. – С.139-154.

² Зиёев Ҳ.З. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. –Т.: Шарқ, 2003. – 320 б; Унинг ўзи. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2005.– 232 б.

³ Гуломов Х. Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII–первой половине XIX века. –Т.: Фан, 2005. – 311 с; Унинг ўзи. Средняя Азия и Россия: Истоки формирования межгосударственных отношений. – Т., Университет, 2005. – 57 с.

худудлар – Россия, Сибирь, Европа билан боғловчи савдо йўллари тадқиқ этилмаган¹.

Бу даврда ўрганилаётган муаммонинг айрим масалаларига ойдинлик киритувчи бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинди. Жумладан, О.М.Масалиеванинг илмий ишида XVIII асрдаёқ Англия ва Ғарбий Европанинг бошқа давлатларида Ўрта Осиё халқлари тарихига оид асарлар таржима қилинганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган². З.А.Саидбобоев тадқиқоти эса XVI – XIX асрларда Европада тузилган Ўрта Осиёга оид тарихий хариталарига бағишланган бўлиб, уларнинг бу ҳудуд тарихига оид манбавий аҳамияти илк бор кенг таҳлил этилган³. Ўрта Осиё хонликларининг Усманий турклар давлати билан ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлари хусусидаги маълумотлар З.Б.Раҳмонқулованинг тадқиқотида ўз аксини топган⁴. Қ.Машариповнинг Хоразмни Ўрта Шарқ ва Европа савдо марказлари билан тарихий алоқаларига бағишланган тадқиқотида Ўрта Осиё савдогарлари томонидан Европага олиб борилган савдо моллари ҳақида айрим маълумотлар берилган⁵.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тарих фанининг кўпгина муаммолари қаторида Ўзбекистон ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган давлатлар, уларда шаклланган давлатчилик тамойиллари ва унинг бир қисми бўлган ташқи алоқалар тарихи олимлар илмий изланишларининг марказига айланди. Хусусан, Ўрта Осиё ва Ғарбий Европа ўртасидаги XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган иқтисодий алоқаларини бевосита ёки билвосита тасдиқловчи маълумотлар илмий муомалага киритилди. Бироқ, масаланинг моҳиятини тўла очиқ берувчи махсус тадқиқотлар яратилмади.

Масаланинг **хориж тарихшунослигида** Анке фон Кюгельген, О.Бертон, Ф.Бродель, С.Горшенина, М.Жан, М.Сарай, В.Фурньо тадқиқотлари алоҳида ўринга эга. Уларда Ўрта Осиё ҳудуди Европанинг Шарқ билан савдосида муҳим ўрин тутгани қайд этилиб, минтақанинг иқтисодий ҳолати, савдо йўллари ҳақида қисман маълумотлар берилган⁶.

¹ Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. –Т.: Академия, 2004. – 122 б; Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. –Т.: Akademiya, 2008. – 432 б.

² Масалиева О.М. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихшунослиги: Тарих фан. номз. ... дисс. –Т.: ЎзР ФА ТИ, 1999.– 172 в.

³ Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т.: ЎзР ФА ШИ, 2004. – 166 в.

⁴ Раҳмонқулова З.Б. XVI – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Усманийлар давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2003. – 26 б.

⁵ Машарипов Қ. Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X–XV асрлар): Тарих фан. номз. ... дисс. –Урганч: ЎзР ФА ҚҚ ТАИ, 2004. – 165 в.

⁶ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. Алматы 2005. –514 с; Burton A. The Bukharans a Dinastic, Diplomatic and Commercial History. 1500-1702. – Great Britain, 1997. –P. 438; Brodel F etc. Le declin de Venise au XVII em siecle // Aspetti e couse della decadenza economica veneziana nel secolo XVIII. Venice. 1961; Уша муаллиф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. В 3-х томах. – М.: Весь мир, 2006; La route de Samarcande: L’Asie Centrale dans l’objectifs des voyageurs d’autre-fois / Par Svetlana Gorshenina. –Geneve., Educations Olizane, 2000. –P. 247; M.Jan. Le voyage en Asie Central et au Tibet. –Paris., 1992. –P. 1428; Saray M. Rus isqali devrinda Osmanli devleti ila Turkistan hanlirkлари arasindaki ilsiliklar. –Ankara., 1994. –74 s; Fourniau V. Quelques aspects du theme Timouride dans la cultoure francaise du XVIe au XIXe siecle // Oriento Moderno. Istituto per l’oriente. C.A. Pallino. –Roma., 1996. – №2. –P. 282-289; La Russie et L’Asie Central voyage et expedition de 1714 a 1840. Prepar sous la direction de Denis Feskaut. 1985; Thonnellier J. Description du khanat de Khokand. – Paris., 1869.

Жумладан, франциялик олим Фернан Бродель (1906–1985) жахон мамлакатлари иқтисодиётини тарихий боғлиқлик асосида ўрганиш жараёнида, дунё иқтисодий тараққиёти ва савдо алоқаларида Ўрта Осиёнинг ўрни ва ролига алоҳида урғу берган.

Швейцарияда чоп этилган С.Горшениннинг 1848–1932 йилларда Ўрта Осиёга келган 160 дан зиёд сайёҳларнинг кундалик ва хотиралари асосида тузилган рисоласи XIX аср ўрталари – XX аср бошларидаги Ўрта Осиё тарихи бўйича маълумотларни беради¹. Асарнинг илмий аҳамияти яна шу билан белгиланадики, рисола Европа музей ва архивларида сақланаётган қўлёзма асарлар асосида ёзилган бўлиб, унда келтирилган маълумотлар илк бор муомалага киритилган.

XX аср 90-йилларидан сўнг Марказий Осиё республикаларида ҳам Ўрта Осиё хонлиқларининг Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари тарихига доир тадқиқотлар амалга оширилди. Бу борада Бухоро амирлигининг сиёсий-иқтисодий, маданий ва ташқи савдо алоқаларига доир тожикистонлик тадқиқотчилар Б.Исмаилова ва А.Ш.Ёров изланишлари алоҳида ажралиб туради. Б.Исмаилова амирликнинг XIX асрнинг биринчи чорагида Европа давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатиш сабаблари, Бухоронинг Россия орқали амалга оширган Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларининг манфаатли томонларини қисман ўрганган².

А.Ш.Ёров тадқиқоти XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларига бағишланган. Тадқиқотда амирликдан Европага чиқарилган савдо маҳсулотлари, у ерга олиб борувчи йўллар ҳақида қисқа маълумот берилди³.

Ўрганилаётган мавзуга оид барча адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари турли йўллар орқали бевосита ва билвосита амалга оширилган. Уларда Ўрта Осиё–Европа муносабатларининг тадқиқот қамраб олган даврий чегара оралиғидаги ҳолатига ойдинлик киритувчи баъзи илмий қарашлар илгари сурилган, айрим маълумотлар эса илк бор муомалага киритилган. Бироқ, XVI – XIX аср ўрталаридаги Ўрта Осиё ва Ғарбий Европанинг иқтисодий алоқалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг мақсади – XVI – XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиё Ғарбий ва Европа ўртасида бевосита ҳамда билвосита амалга оширилган иқтисодий алоқалар, бу алоқалар учун асос бўлиб хизмат қилган савдо йўлларини ўрганишдан иборат. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар режалаштирилди:

¹ La route de Samarcande: L'Asie Centrale dans l'objectifs des voyageurs d'autre-fois / Par Svetlana Gorshenina. – Geneve., Educations Olizane, 2000. –P. 247.

² Исмаилова Б. Политическая история Бухарского эмирата при Эмире Хайдаре. – Душанбе.: Қонуният, 1999. –76 с.

³ Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX– начале XX столетия): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.– Душанбе: ТГУ, 2005. – 28 с.

– Буюк географик кашфиётлар натижасида (XV аср охири) Ўрта Осиё ташқи алоқалари йўналишларининг ўзгариши ва уларнинг ўзига хос томонларини ёритиб бериш;

– Ўрта Осиё хонликлари ҳақидаги маълумотларни Европада тўпланиб бориши жараёнининг асосий босқичларини аниқлаш;

– Европа ҳукмрон доираларининг Ўрта Осиё хонликлари орқали ўтувчи транзит савдо йўллари билан боғлиқ режалари, ундан кўзланган мақсадларни ёритиб бериш;

– Ғарбий Европада Ўрта Осиё худуди ва иқтисодий имкониятлари акс эттирилган манбаларни Ўзбекистон ва ўзбек давлатчилиги тарихини янги маълумотлар билан тўлдирувчи муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилишини кўрсатиш;

– Европа ва Шарқни бевосита ва билвосита боғлаган йўллар, улар ҳолатида юз берган ўзгаришларни аниқлаш, шимоли-шарқий савдо йўлининг тармоқларини ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган маълумотлар асосида ёритиб бериш;

– ўзаро савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган моллар, улар ассортиментида юз берган ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

– Ўрта Осиё – Европа савдо алоқаларида воситачи бўлган мамлакатларда хорижий савдогарлар учун яратилган имтиёзлар ва улардан олинадиган бож тизимини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқот ишига оид манбаларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. 1) XVI – XIX асрларга оид маҳаллий муаррихларнинг тарихий асарлари; 2) XVII – XIX асрлар оралиғида европаликларнинг Шарққа, хусусан, Ўрта Осиёга уюштирган саёҳатлари асосида ёзилган тарихий ва географик асарлари; 3) россиялик элчи, сайёҳ, савдогарлар, олимлар, бошқа шахсларнинг хотиралари, расмий хабарлари ва тарихий асарлари; 4) Архив ҳужжатлари.

Биринчи гуруҳ манбаларини XVI – XIX асрларда маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган асарлар ташкил этади. Уларда асосий эътибор Ўрта Осиёда кечган сиёсий воқеаларга қаратилиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, хусусан, хонликларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ёритишга хизмат қилувчи маълумотлар озчиликни ташкил этади. Хусусан, Зайниддин Восифийнинг “Бадои ул вақо”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, Муҳаммад Юсуф Муншининг “Тарихи Муқимхоний”, Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Абдурахмон Толеънинг “Тарихи Абулфайзхоний”, Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” ва Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асарларида Ўрта Осиёга олиб келинган Европа моллари, маҳаллий савдо йўллари ҳақида айрим маълумотлар мавжуд, холос¹.

¹ Зайн ад-дин Васифи. Бадаи ал-вақо / Критический текст, введение и указатели А.Н.Болдырева. В 2 томах. – М., 1961. – 1377 с; Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий) / Форсчадан С.Мирзаев таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 1-2 китоб. –Т., 1999. – 416 б; Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история / Перев. с таджик. Пред. примеч. и указатель проф. А.А.Семёнова. –Т., 1957. – 303 с; Мир Муҳаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме / Перев. с таджик. Пред. примеч. и указатель проф. А.А.Семёнова. –Т., 1957. – 326 с; Абдурахман Тали. История Абулфейз-хана / Перев. с таджик. Пред. примеч. и указатель проф. А.А.Семёнова. –Т., 1959; Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФАШИ. к.ф. №594. – 699 в; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Т.: Маънавият, 1999. – 112 б.

Иккинчи гуруҳга кирувчи хорижий манбаларни мазмун жиҳатидан уч туркумга бўлиш мумкин. Биринчи туркумга Европада Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиё ҳақида тўпланган маълумотларни жамлаган саёҳатнома кундаликлари¹ ва XVIII–XIX асрларда сайёҳлик ва тижорат иши билан Россия давлати, Осиёнинг ички ҳудудларида бўлган европаликларнинг Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ҳақидаги маълумотлари акс этган асарларини киритиш мумкин². Европаликлар томонидан XVIII асргача амалга оширилган Ўрта Осиё ва Шарқ билан боғлиқ саёҳатлар тўла жамланган “Histoire generale des voyages” (Буюк саёҳатлар тарихи) тўпламининг тўққизинчи бобида Ўрта Осиё минтақасининг географик кенгликлари, шаҳарлар жойлашуви, улар орасидаги масофа, иқтисодий ҳолати ва имкониятлари, аҳолининг машғулоти ҳамда ташқи савдо алоқаларига доир муҳим маълумотлар берилган³. Иккинчи туркумни ташкил этувчи Европада нашр этилган географик характерга эга адабиётларда Осиё китъаси, хусусан, Ўрта Осиё минтақаси ҳақида маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, улар умумлашган маълумотнома тарзида ҳудуд тавсифининг айрим қирраларини қамраб олган⁴. Учинчи туркумга кирувчи картографик материаллар Ўрта Осиёда бўлган сайёҳ ва элчиларнинг маълумотлари, араб тарихчиларининг бу ҳудуд ҳақидаги маълумотлари асосида тузилган. Хариталарда асосий эътибор Ўрта Осиёнинг географик ҳолати, дарё ва сув ҳавзалари, турли шаҳарлар жойлашувини акс эттиришга қаратилган. Бу хариталарда ноаниқликлар мавжуд бўлишига қарамай, Ўрта Осиё ҳудуди ҳақида Европадаги илқ чизма тасвирларни ўзида мужассам этган манба сифатида аҳамиятлидир⁵.

¹ Bergeron P. Voyages faites principalement en Asie dans les XII, XIII, XIV et XV siecle. V.1-2. – A la Haye., 1735. –P. 122; Histoire general des voyages ou nouvelle collection de toutes les relations de voyages par mer et par terre qui ont publiee jusqu’a present dans les differentes langues de toutes les nations connoues. En richie de cartes geografiques et de figures. 72-томлик. –Paris, 1746-1770.

² Voyage de M. Chevalier Chardin en Perse. – Ruan., 1723. –P. 856; Corneille le Bruyn. Voyages au Levant. Par la Moskovie, en Perse et aux Indes Orientales. V.3-5. –Paris., 1725. –P.648; Mandelslo J.A. Voyages faites de Perse aux Indes Orientales. V.1-2. –Amsterdam., 1727. –P. 404; Hanvey J. An historical acoount of the British trad vuer the Caspian Sea.... V. I-IV. –London., 1753; Voltaire. Histoire de l’empire de Russie sous Pierre le Grand. V.1-2. – La Haye., 1759. –P. 620; Voyages de Rabbi Benjamin fils de Jona de Tudele en Europe, en Asie et en Afrique. Par. P. Barotier.V.1-2. –Amsterdam., 1784. –P. 624; Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагоря и отчёт о путешествий из Индии в Кабул, Татарию и Персию. В 3-томах. –М., 1848-1849; Raphael du Mans. Estat de la Perse en 1660. –Paris., 1890. –P.356; Олеарий А. Описание путешествие в Московию и через Московию в Персию и обратно. Пер. А.М. Ловягина. – С.Петербург., 1906. –576 с; Герберштейн С. Записки о Москвитских делах. – СПб., 1908. –251 с; Стрейс Я. Три путешествий. –М., 1935. – 415 с; Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. Пер. и примеч. Ю.А.Соколова // Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып. LVXXVIII.Кн.II. – Ташкент, 1956. – С. 41-52; Мейендорф Е.К. Путешествия из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – 180 с; Записки о Бухарском ханстве. (Отчёты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983.– 149 с.

³ Histoire generale des voyages. ... V. 9. –A la Haye., 1749. – P. 682 .

⁴ Cluveri P. Introductions in Universam Geographiam. –Leyden., 1624. –P. 185; Histoire de differens peuples du monde.V.2. –Paris., 1770. –P. 528; Menteille M. Choix de lectures geografiques et historiques. V.1.– Paris., 1783. –P. 235; Nouvelle geographie universelle.... –Paris., 1802.–P.286; Abrege de geographie moderne. –Paris., 1811.– P. 799; L’univers histoire et discription de tous les peuples. –Paris., Firmin Didot Freres. 1848.–P.388.

⁵ Ўрта Осиё ҳудудлари тасвирланган хариталар ва уларнинг таҳлили бўйича қуйидаги адабиётлардан маълумотлар олиш мумкин: Mandelslo J.A. Voyages faites de Perse aux Indes Orientales. V. 1-2. –Amsterdam., 1727. –P.404; Anville Jean Baptist. Geographie ancienne abregee. V. 2. –Paris., 1782. –P.341; Корженевский Н.Л. К истории развития картографии и географических представлений о территории Средней Азии и Узбекистана // Известия АН УзССР. –Ташкент, 1949. Вып.1. – С.49-72; Федчина В.Н. Как создавалась карта Средней Азии. – М.: Наука, 1967. –133 с; Итина М.А. Средняя Азия на карте Страленберга // Советская этнография. – №1. 1974. – С. 70–83; Камолиддин Ш., Мукминова Р. Заметки о географической карте Средней Азии Абрахама Мааса // O’zbekiston tarixi. –Тошкент, 2003. –№1. – С. 16-26. Европада Ўрта Осиёга

Учинчи гуруҳ манбаларига Россия давлатининг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари натижасида бу ҳудудга юборилган элчилар, ҳарбийлар, савдогарлар, саёҳатчилар, олимлар ва бошқа шахсларнинг эсдалик, қайднома, расмий хабарлари ва бошқалар киради. Уларда Ўрта Осиёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид маълумотлар баробарида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг Европа мамлакатлари билан савдо алоқалари, улар бозорларда мавжуд Европа моллари ва уларни олиб келиш йўллари ҳақида ҳам муҳим хабарлар қайд этилган¹.

Тўртинчи гуруҳ манбалари архив ҳужжатларидан иборат. Мавзуни ёритишда ушбу масаланинг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА)нинг И.1-фонд – Туркистон генерал губернатори канцелярияси, И.5-фонд- Зарафшон округи бошлиғи канцелярияси, И.17-фонд – Сирдарё вилояти бошқармаси фонди, И.125-фонд – Хива хонлиги архиви ва И.715-фонд – Туркистон ўлкасини босиб олиниши тарихига доир материаллар фондларидан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти. Ўрта Осиёнинг XVI – XIX асрнинг биринчи ярмидаги Европа билан иқтисодий алоқалари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Мавзуни ёритиш жараёнида тарихий ёндашув ва қиёсий таҳлил, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган Ватан тарихини манбалар асосида ҳаққоний ўрганиш, холислик ва тарихийлик тамойилларига асосий эътибор қаратилди. Тадқиқот жараёнида муаммони янги тарихий тафаккурнинг концептуал нуқтаи-назаридан идрок этишга, тарихий воқеалар характерини уларнинг реал мазмуни асосида, ҳозирги замон тарих фани талаблари контекстида очиб беришга асосий эътибор қаратилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– биринчидан, Буюк географик кашфиётлар даврига келиб инсоният тафаккурининг ўсиши ҳамда Европа мамлакатларининг карвон йўллари орқали Шарққа интилишлари сабабли XVI асрга қадар уларда мавжуд бўлган Ўрта Осиё ҳудуди ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш зарурияти юзага келди;

– иккинчидан, европалик савдо-тижорат аҳлининг талаби билан XVI асрдан бошлаб вужудга келган дунё мамлакатларини ўрганиш илмий

оид тарихий-картографик манбалар З.А. Саидбобоев томонидан олиб борилган тадқиқотда чуқур таҳлил этилган. Қаранг: Саидбобоев З. А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар): Тарих фан. номз. ... дисс. –Т.: ЎзР ФА ШИ, 2004. – 166 в.

¹ Сойманов Ф.И. Описание Каспийского моря. – СПб., 1763. – 380 с; Унинг ўзи. О торгах за Каспийское море древних, средних и новейших времен. – СПб., 1765. – 74 с; Описание всех на российском государстве обитающих народов. Част 2. О народах татарского племени. – СПб., 1776. – 188 с; Савельев П. Бухара в 1835 году. –СПб., 1836. – 26 с; Путешествие Г.Базинера через киргизскую степь в Хиву 1842 г. с Данилевским // Известия РГО. Вып 5. – СПб., 1849 – 282 с; Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Попов А. Сношение России с Хивою и Бухарою при Петре Великом // Записки ИРГО. Кн.9. – СПб., 1853 – 188 с; Путешествия по Средней Азии совершенной в 1863 году Арманием Вамбери. – СПб., 1865. – 221 с; Десятилетнее странствование Филиппа Ефремова (70-е годы XVIII века) // История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, учёных и географов XVI-первая половина XIX в. –Ташкент., 1988.

марказларида Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилди. Уларда Ўрта Осиёга оид ахборотлар системалаштирилди, хариталар ва адабиётларга кўчирилди. Шунингдек, XVII – XIX асрларда ўрта осиелик тарихчиларнинг асарларини Европа тилларига таржима қилиниши натижасида европаликларнинг Ўрта Осиё ва унинг тарихи ҳақидаги тасаввурлари ортди. Бу тасаввурларнинг такомиллашуви натижасида Европада Ўрта Осиёни ўрганиш инглиз, француз, немис ва рус илмий мактаблари шаклландики, уларнинг Ўрта Осиё масаласидаги қарашлари бир-биридан фарқ қилган;

– учинчидан, Россияда марказлашган давлатнинг мустақамланиш жараёнида (XVI–XVII аср) Ўрта Осиё хонликларининг Европа мамлакатлари билан билвосита характердаги иқтисодий алоқалари амалга оширила бошлади. Шу боис европаликларнинг Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар йиғиш ва бу ҳудуд билан билвосита иқтисодий алоқалар ўрнатиш жараёнида Россия омили катта роль ўйнади. Россиядан ташқари Кавказorti, Усманийлар давлати ва Эрон ҳудудлари ҳам Ўрта Осиё-Европа иқтисодий алоқаларида транзит савдо минтақалари вазифасини бажарган эди. XVIII–XIX аср биринчи ярмида эса европаликларнинг Шарқ билан иқтисодий алоқалари борасидаги сиёсатида муайян ўзгаришлар содир бўлди;

– тўртинчидан, Ўрта Осиё хонликлари ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар бевосита ва билвосита характерга эга бўлган. Тадқиқот қамраб олган даврда иқтисодий алоқалар кўпроқ билвосита характер касб этган бўлса-да, айрим ҳолларда бевосита алоқалар ҳам амалга оширилган. Ҳар икки характердаги иқтисодий алоқалар жараёни нафақат ўзаро савдо муносабатлари ривожига, балки ҳар икки минтақада турли маҳсулотларнинг тайёрлаш технологиясини ўзлаштирилишига хизмат қилган;

– бешинчидан, тадқиқот қамраб олган давр оралиғида ўзаро савдо алоқалари амалга оширилган қарвон ва сув йўллари фаолияти ўзгариб турган. Буюк ипак йўлининг Ўрта Осиё ҳудудидан ўтувчи асосий трассаларининг таназзули, бу йўлнинг маҳаллий тармоқлари жонланишига олиб келган. Европаликларнинг Шарққа интилишлари натижасида инглизлар томонидан шимоли-шарқий савдо йўли кашф этилган.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Тарихий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот нашрлари маълумотларининг умумлашган таҳлили натижасида қуйидаги янгиликлар илмий муомалага олиб кирилди:

– манбалар ва илмий адабиётларни таҳлил этиш орқали Буюк ипак йўли аҳамияти пасайганидан сўнг Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари ва унинг асосий босқичлари илк бор ёритиб берилди;

– Буюк географик кашфиётлар натижасида Ўрта Осиё ташқи савдо алоқалари йўналишининг ўзгариши асослаб берилди;

– илк бор Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий, иқтисодий, географик ҳолатини акс эттирган Европа манбалари илмий муомалага киритилди ва уларнинг ўзбек давлатчилиги тарихини янги маълумотлар билан тўлдиришдаги хизмати кўрсатиб берилди;

– Европа ҳукмрон доираларининг Ўрта Осиё хонликлари орқали ўтувчи транзит савдо йўллари билан боғлиқ режалари ва мақсадлари тадқиқ қилинди;

– Европа ва Шарқни бевосита ва билвосита боғлаган савдо йўллари, улар ҳолатида юз берган ўзгаришлар таҳлил қилинди;

– Ўрта Осиё ва Европа савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган моллар ассортиментидеги ўзгаришлар кўрсатиб берилди;

– илк бор Ўрта Осиёнинг Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларида муҳим роль ўйнаган шимоли-шарқий савдо йўли ва унинг тармоқлари эволюцияси бирламчи манбалар орқали таҳлил қилинди.

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда илк бор Буюк ипак йўли трансконтинентал аҳамиятининг пасайганидан сўнг Ўрта Осиё хонликларининг Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари ёритилди. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, ундан Ўзбекистоннинг XVI – XIX аср бошларидаги ташқи иқтисодий алоқалари тарихига оид ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратишда, олий ўқув юртлари тарих факультетлари бакалаврлари ва магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тезис ва материалларида, тўплам, илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Тадқиқот Наманган давлат университети факультетларо Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган. Иш Наманган давлат университети факультетларо Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи ва Ватан тарихи кафедраларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Шунингдек, тадқиқот иши 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.02.12. рақамли Ихтисослашган Кенгаш қошидаги Илмий семинар мажлисининг 2-сонли йиғилишида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 8 та иш эълон қилинган. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 4 та илмий мақола ва 4 та тезис ҳамда материалларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 188 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида танлаб олинган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазибалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўрта Осиё хонликлари ҳақида Ғарбий Европада тўпланган маълумотлар ва уларнинг икки ҳудуд ўртасидаги алоқалар ривожидagi аҳамияти” деб номланган. Мазкур боб, Европада Ўрта Осиё хонликлари ҳақида маълумотлар тўпланишининг асосий босқичлари, бу маълумотларни бир тизимга солиниши, ҳудуднинг иқтисодий ҳолатига оид маълумотларни тўплаш йўллари ва уларнинг умумий хусусиятларига бағишланган.

Европада Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ҳолати ҳақидаги маълумотлар икки хил усул билан тўпланган. Биринчи туркум маълумотлари европалик сайёҳ ва савдогарларнинг бевосита Ўрта Осиёга келишлари ва шахсий кузатувлари асосида йиғилган¹. Иккинчи туркум маълумотлари ўрта осиелик савдогарларнинг Москва давлати, Каспий бўйи ва айрим Европа давлатларида савдо иши билан бўлган вақтларида уларнинг европалик савдогар ва сайёҳлар билан ўзаро мулоқотлари натижасида тўпланган².

Ўрта Осиё ҳақида Европада маълумотлар тўпланиб бориш жараёнини икки асосий босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич XII–XIV асрларни ўз ичига олиб, бу даврда европаликларнинг Ердаги “жаннат”³ни излаб топиш йўлидаги уринишлари, мўғуллар давлатининг куч-қудрати манбаини ўрганиш билан тавсифланиб, бу ҳаракатлар натижасида тўпланган маълумотлар Европада узоқ вақт ҳукмронлик қилди. Ушбу босқичга тегишли Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлар “афсонавий” характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Иккинчи босқич XV–XVIII асрларни ўз ичига олиб, бу даврда маълумотлар Ўрта Осиёда бўлган элчиларнинг гувоҳликлари, улар томонидан Европага олиб кетилган қўлёзма асарларнинг турли тилларига таржима қилиниши ва энг асосийси Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича инглиз, немис, француз мактабларининг шаклланиши ва фаолияти натижасида ривожланиб борган.

XIV асрдан бошлаб, европаликлар Европа ва Осиёни бир-биридан ажратиб турувчи Урал тоғидан шарқда жойлашган Тинч океанигача бўлган

¹ Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагоря и отчет о путешествий из Индии в Кабул, Татарию и Персию. В 3-томах. – М., 1848-1849; Хрисанфа Митрополита Новопатрасского о странах Средней Азии / Чтение в императорском обществе истории и древностей Российских при Московском Университете. – Москва., 1896. – №1. – 11 с; Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Пер.с английского Ю.В.Готье. –М., 1937. – 308 с; Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. Пер. и примеч. Ю.А.Соколова // Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып. LVXXVIII.Кн.II. – Ташкент, 1956. – С. 41-52; Марков С. Англичанин Гок в 1741 г. (Джон Кук и его поездка в землю каракалпаков) // Простор. 1962 г. – №10. – С. 73; Мейендорф Е.К. Путешествия из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – 180 с; Юнусова Л.И. Торговая экспансия Англии в бассейне Каспия в первой половине XVIII века. – Баку., 1988. – 158 с.

² Corneille le Bruyn. Voyages au Levant. Par la Moskovie, en Perse et aux Indes Orientales. V.3-5. –Paris., 1725. – P. 648; Hanvey J. An historical account of the British trade vuer the Caspian Sea.... V. I-IV. –London., 1753; Raphael du Mans. Estat de la Perse en 1660. –Paris., 1890. –P. 356; Олеарий А. Описание путешествие в Московию и через Московию в Персию и обратно. Пер. А.М. Ловягина. – С.Петербург., 1906. –576 с; Герберштейн С. Записки о Москвитских делах. –СПб., 1908. –251 с; Новокомский П.И. Книга о москвитском посольстве. – СПб., 1908; Стрейс Я. Три путешествий. –М., 1935. – 415 с; Соколовский Г.Н. Филипп Аврил как географ // Известия Государственного Географического общества. – Москва, 1925. –№ 1-2.Т.57. – С.68-93; Раецк В. О чём писал Витсен // Ленинский путь (Самарканд). 1974 г. 22 август.

³ Европадаги Ўрта аср типик утопик ғояларига кўра, бу юртда одамлар бой ва бахтли яшаганлар, бу мамлакат эса Осиёнинг ички қисмида, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ёки Абсиннияда (Эфиопия) жойлашган бўлиши мумкин эди. Қаранг: Алексеев М.П. Славянские источники Утопии Томаса Мора. – М., АН СССР, 1955. – С. 36.

худудларни “Татария”¹ (Tartarie) ўлкаси деб атай бошлаганлар. Ушбу худудда яшовчи аҳоли эса алоҳида ажратилган ҳолда, “Татария нўғойлари”, “Татария мўғуллари”, “Татария ўзбеклари” (Tartars Usbeks) каби номлар билан аталган. Ўрта аср Рус ва Ғарбий Европа адабиётларида келиб чиқиши татар-мўғул кўчманчиларига бориб тақалувчи Дон дарёсидан шарқда яшовчи халқлар умумий ном билан “татарлар” деб қайд этилган. Уларнинг таркибига нўғайлар, ўзбеклар, мўғуллар киритилган². Кейинчалик Ўрта Осиё ҳақида маълумотларнинг кенгайиши ва уларга аниқлик киритилиши туфайли Европада Ўрта Осиё аҳолисига нисбатан “Чиғатой татарлари” ва “Tartarie Independence” (Мустақил татарлар) номлари кенг қўлланила бошланган. “Чиғатой татарлари” номи европаликларнинг бу худуд билан унинг бевосита Чиғатой улуси таркибида бўлган даврида танишганлигидан гувоҳлик беради. Европаликлар наздида мўғуллар ҳукмронлиги Мовароуннаҳрда XVI асрга қадар давом этган. Улар амалда мустақил бўлган Темурийлар давлатини ҳам мўғуллар давлатининг меросхўри ва издоши деб ҳисоблаганлар. Шу сабабдан XVI асрдан бошлаб, Мовароуннаҳрда вужудга келган мустақил давлатлар – Бухоро ва Хива хонликлари аҳолиси бу давр Европа адабиётларида “мустақил татарлар” номи билан атала бошлаган.

XV аср охири – XVI аср бошларига келиб, Европада бошланган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, янги савдо йўлларининг очилишига бўлган интилиш Шарққа олиб борувчи муҳим савдо йўлларида жойлашган Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмаган. XV аср бошларида, яъни, Амир Темур давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш билан чекланган Ғарбий Европа давлатлари эндиликда ўлканинг иқтисодий имкониятлари билан қизиқа бошлаган. XVI аср ўрталарида Антони Женкинсон элчилиги (1558–1560) ўзаро дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатиш йўлида илк қадам бўлиб, Москва давлати ҳукмдори Иван Грознийнинг ёрлиқлари билан унинг Ўрта Осиёга боришига рухсат берилиши, Рус давлатининг, қолаверса, Европанинг Ўрта Осиё билан муносабатлар ўрнатиши борасидаги дадил ташаббуси эди. Франция қироли Людовик XIV (1643–1715) Ўрта Осиё билан Амир Темур давридаги бевосита алоқаларни қайта тиклаш мақсадида “Ўзбек қиролларига икки мактуб” ёзган³. Бироқ, бу мактублар номаълум сабабларга кўра, Ўрта Осиё ҳукмдорларига юборилмаган⁴.

1820–1822 йилларда Россия ҳукуматининг Бухорога уюштирган Ф. Негри миссиясида фаол иштирок этган Е.К. Мейендорфнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” кундалиги 1822 йилда Берлинда Э.Эверсман томонидан

¹ Тартар-татар этнонимининг этимологик маъноларидан бири. Дастлаб М.Парижский (1200-1259) бу номни келиб чиқишини Шарқдаги афсонавий Тар (ёки Тартар) дарёси номи билан боғлайди. Кейинчалик бу этимология Франция қироли Людовик IX (1226-1270) нинг “татарлар Тартар(дўзах)дан чиққанлар” шаклидаги кесатиқли сўзи асосида кенг тарқалган. Мўғул атамаси илк бор Плано Карпини асарларида тилга олинади. Шу даврдан бошлаб ўрта аср лотин адабиётида мўғул ва тартар этнонимларидан бир-бирини тўлдирувчи сўз сифатида фойдаланилган. Қаранг: Матузова В.И. Английские средневековые источники IX-XIII века: тексты, переводы, комментарий. – М., 1979. – С.164.

² Панков А.В. К истории торговли Средней Азии с Россией / В.В. Бартольд. Туркестанские друзья и ученики и почитатели. – Т., 1927. – С. 25.

³ Beylerian T. Deux lettres de Louis XIV au roi de Ouzbeks a propos de missionnaires jesuites // Cahiers du monde russe. 1967. www.monderusse.revues.org.

⁴ Фурнье В. Тимуридская тема во французской культуре (XVI-XIX века) // К новым стандартам в развитии общественных наук в Центральной Азии. Материалы международной научной конференции. –Алмати. Деек-Атлс, 2006. – С.131.

немис тилида нашр этилган. Муҳаммад Юсуф Мунши қаламига мансуб “Тарихи Муқимхоний” асарининг 1838 йилда О.И.Сенковский томонидан француз тилига таржима қилинган нашри Европада машхур бўлиб, “у узок вақт европаликлар учун Бухоро хонлиги тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган”¹. Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар (1800–1826) томонидан рус элчиси Ф.Негрига совға қилинган, Европада ўша даврда таъсир доираси кенг бўлган француз тилига илк бор таржима қилинган ушбу асар² Ўрта Осиё ҳақида тўпланган турли тоифадаги маълумотларни бойитган. Ўрта Осиё халқларининг қадимий ва бой қадриятларини, урф-одатларини тадқиқ этиш учун XVII–XVIII асрларда рус, француз, инглиз ва немис мактаблари ташкил топган, уларнинг илмий қарашлари кўп ҳолларда бир-биридан фарқ қилган³.

Икки босқичда турли йўллар орқали Европада Ўрта Осиё ҳақида тўпланган маълумотлар ўзаро иқтисодий алоқаларнинг мустақамланишида муҳим роль ўйнади. Осиёнинг ички ҳудудлари ҳақида Европада илмий тафаккурининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Тадқиқотнинг **“Савдо йўллари ва улар фаолиятида юз берган ўзгаришлар”** деб номланувчи иккинчи боби, XVI асрдан бошлаб Европанинг Осиё мамлакатлари билан алоқаларида катта роль ўйнаган шимоли-шарқий савдо йўли ва ушбу йўлнинг давоми ҳисобланган ҳамда бевосита Европа – Ўрта Осиё савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин эгаллаган Волга-Каспий йўли, Европа давлатларининг ушбу икки йўл билан боғлиқ режаларига бағишланган.

XV–XVI асрларда юз берган Буюк географик кашфиётлар даврида Фарбий Европа иқтисодий ҳаётида сезиларли силжиш юз бериб, янги кашф этилган ўлкалардан келтирилган хом ашё ва бойликлар айрим Европа давлатлари иқтисодий тараққиётини таъминлаган омиллардан бири вазифасини ўтади. «Янги дунё» ва Ҳиндистон билан савдо испан ва португал савдогарлари кўлида бўлганлиги сабабли Франция, Англия, Голландия каби давлатларда испан ва португаллар томонидан очилган йўлни такрорламасдан, Шарқий Ҳиндистон ва Хитойга шимоли-шарқий денгиз йўли^{*} билан бориш режалари тузила бошланди. Ушбу йўл тизимида Ўрта Осиё ҳам муҳим бўғин ҳисобланган.

Шимоли-шарқий савдо йўли бўйича дастлабки лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни мавжудлигини амалда синаб кўришга интилиш дастлаб Италия фуқаролари томонидан амалга оширилди. Бенедетто Скотто XVI аср бошида Европани шимоли-шарқий томондан айланиб ўтиб, Хитой қирғоқлари орқали Шарқий Ҳиндистонга бориш мумкинлиги ҳақидаги таклифни ўртага

¹ Бартольд В.В. Сочинения. В IX томах. История изучения Востока в Европе и в России. IX том. – М.: Наука, 1977. – С.299.

² Ўзбек дипломатияси тарихидан. Қадимги даврдан XIX аср иккинчи ярмигача. (Тарихий очерклар ва лавҳалар.) – Тошкент., 2003. – Б.214.

³ Балчи Б. Марказий Осиё тарихига қизиқиш ва Францияда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар // Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган анжуман материаллари. – Тошкент., 2007. – Б.181.

* Шимоли-шарқий денгиз йўли атамаси биринчи бўлиб, 1525 йилда Россия ҳукумати томонидан Римга элчи қилиб юборилган Дмитрий Герасимов томонидан қўлланилган. Бу йўл савдо йўли сифатида 1553-1676 йилларда фаолият кўрсатган. Унинг сувликдаги қисми Лондондан Архангельскка, қуруқликдаги қисми Архангельскдан Волга-Каспий йўли орқали Бухорога келган.

ташлади¹. Паоло Чентурионенинг XVI асрнинг 20-йилларида Фарбий Европанинг Осиё мамлакатлари билан Москва давлати орқали савдо муносабатлари ўрнатиши ҳақидаги лойиҳаси эса бевосита Ўрта Осиё худудини ҳам ўз ичига қамраб олган эди².

Ричард Ченслер экспедициясининг (1553) Москва давлатига олиб борувчи денгиз йўлини кашф этиши натижасида, бу давлат ҳақидаги аниқ маълумотлар Европада машҳур бўлиб кетган. Шу аснода инглизлар Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё мамлакатлари билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларида Москва давлати ерларидан фойдаланишни мақсад қилган ҳолда, 1555 йилда «Москва» савдо компаниясини тузганлар.

Шимоли-шарқий савдо йўлининг очилиши ўз даврида жуда катта кашфиёт бўлиб, Европа давлатларининг ҳукумат сиёсати даражасида ушбу йўлни ўзлаштириш йўлидаги ҳаракатлари натижасида бу савдо йўлида жаҳон савдосида катта из қолдирган савдо компаниялари фаолият кўрсатган. XVII–XVIII асрларда дунё савдосида асосий роль ўйнаган Ост-Индия компаниялари айнан шимоли-шарқий савдо йўлида жойлашган давлатларда ташкил этилди. 1600 йилда Англия, 1602 йилда Голландия, 1664 йилда Франция Ост-Индия компаниялари ташкил этилиб, улар дастлаб шимоли-шарқий денгиз савдо йўли учун кураш олиб борганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида шимоли-шарқий савдо йўлидан фойдаланиш европалик савдогарлар учун жанубий йўлга* қараганда 2-2,5 баробар арзон бўлган³.

Фарбий Европани Ўрта Осиё билан алоқаларида муҳим ўрин тутган шимоли-шарқий савдо йўлининг ажралмас қисми Волга-Каспий йўналиши ҳисобланган. Унинг илк муфассал тавсифи А.Женкинсон томонидан 1558-1560 йилларда қайд этилган. У қолдирган маълумотларга кўра сайёҳлар ва савдогарлар Москва дарёсидан кемаларда Ока дарёсигача, ундан Волга бўйлаб Астраханга борганлар.

Астрахандан савдогарлар турли йўналишлар бўйлаб ҳаракатланишлари мумкин эди. Бу ерда улар кемаларда Хива хонлигининг Қабоқли ва Қорагон пристанларига етиб олиб, у ердан қуруқлик орқали Хива ва Бухоро хонлигининг турли марказлари, улар орқали Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатларга етиб олишлари мумкин эди. Шунингдек, Астрахандан турли йўналишлардаги қуруқликдан ўтган йўллар бўйлаб, Саройчиқ, Устюрт орқали Хива хонлигига, у ердан маҳаллий йўллар орқали Ўрта Осиёнинг турли савдо марказларига бориш мумкин эди. Ушбу йўналишлар, уларда жойлашган савдо марказларининг батафсил тавсифини қолдирган А.Женкинсон уларнинг Европа савдосида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтган⁴.

¹ Пирлинг О. Россия и папский престол. В 2-х кн. – М., Современные проблемы, 1912. Кн.1. Русские и флорентийский собор. – С. 314–315.

² Алексеев М.П. Сибирь в известиях европейских путешественников XIII-XVII веков. –Иркутск., 1941. – С. 98; Шаркова И.С. Россия и Италия: торговые отношения XV– первой четверти XVIII в. – Ленинград., Наука, 1981. – С. 25.

* Бу йўл 1498 йилда португал сайёҳи Васко да Гама кашф этган Африка китъасини айланиб ўтувчи Ҳиндистонга олиб борадиган денгиз йўли эди.

³ Шахмалиев Э.М. Об англо-русских торговых противоречиях на Переднем Востоке второй половины XVI века // Ученые записки Азербайджанского Университета. –Баку., 1958. – №5. – С.104

⁴ Агзамова Г.А. Волжско-Каспийский путь в Хиву и Бухару. ... – С. 149.

Волга-Каспий сув йўлининг халқаро савдодаги аҳамияти юқорилиги сабабли рус ҳукумати бу йўл бўйлаб европалик савдогарларнинг хавфсизликларини таъминлаш мақсадида қароқчилар ҳужуми хавфи мавжуд бўлган ерларга қуролли қисмлар жойлаштирилган. 1579 йилда Эронга Волга-Каспий йўли орқали келган инглиз сайёҳи Христофер Берроу шундай маълумот беради: “Переволокдан 7 верст қуйида жойлашган Царицин деб аталувчи оролда рус подшоси ёз ойларида савдо йўлидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида 50 ўқчидан иборат отрядни сақлайди. Бу отряд татар тилида “қоровул” деб аталади. Шу ердан Астрахангача бўлган ҳудудда яна шундай 5 та қўриқчи отрядлар жойлашган”¹.

XVI аср ўрталарига келиб, Каспий денгизида инглиз байроғи остидаги савдо кемалари суза бошлаган. Чунки, бу даврда улар Иван IV дан Волга дарёси орқали Бухоро ва Эронга бориш рухсатини қўлга киритган эдилар². Бу даврда Европада машҳур бўлган маълумотларга кўра, Хитой билан энг кизгин савдо олиб борадиган мамлакат Бухоро эди. Унинг Шарқ тижорат дунёсида асосий савдо маркази сифатида машҳурлиги Бухоронинг европаликлар томонидан афсонавий мамлакат сифатида тасаввур этишлари сабаб бўлган. Шу сабабдан, инглиз савдо уйларига кенг имкониятлар яратилиб, айнан Волга-Каспий йўналишида Англиянинг уч савдо уйи – Эрне Бардвик, Динглей ва Клек ҳамда Крамонд ва Тиммерман мунтазам савдо алоқалари олиб борган³.

XVIII–XIX асрларга келиб, Англиянинг дунё океанларидаги ҳукмронлиги мустаҳкамланиши билан шимоли-шарқий савдо йўли ўз аҳамиятини йўқотди. Бу йўлнинг таркибий қисми ҳисобланган Волга-Каспий йўли ҳамда Оренбург ва Сибирь йўналишидаги қарвон йўлларида XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиёга эгалик қилиш борасида вужудга келган инглиз-рус рақобатида енгиб чиқиш учун Россия империяси томонидан унумли фойдаланилди. Буёқ географик кашфиётлар даврида янги кашф этилган шимоли-шарқий савдо йўли қуруқлик орқали Европа ва Осиёни боғлаган муҳим савдо йўли сифатида тарихга кирди. Бу йўлнинг таркибий қисми ҳисобланган Волга-Каспий йўли орқали Ўрта Осиё хонликларининг Россия ва Европа давлатлари билан иқтисодий алоқалари янги босқичга кўтарилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўрта Осиё хонликларининг Европа билан иқтисодий алоқалари ва уларнинг муҳим жиҳатлари”** деб номланган. Мазкур бобда, Ўрта Осиё хонликларини Европа билан боғлаган транзит савдо йўллари ва марказлари, икки минтақанинг савдо алоқаларида ўзаро алмашинган маҳсулотлар, уларнинг тайёрланиш тажрибасининг ўзлаштирилиши, иқтисодий алоқаларда Россиянинг ўрни, унинг ҳудудида ўрта осиелик ва европалик савдогарларга яратилган имтиёзлар ҳамда бож тизими ёритилган.

Ўрта Осиё ва Европа ўртасидаги алоқалар билвосита ва бевосита тарзда амалга оширилган. Билвосита савдода турли йўналишлардаги йўллар, транзит савдо марказлари муҳим ўрин тутган. Уларда ўрта осиелик савдогарларнинг хорижлик савдо аҳли, хусусан, Европа тижорат дунёси

¹ Фехнер М.В. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI веке. – Москва., 1952. – С.25.

² Снегирев В. Потерпевшие крушение в стране шёлк и роз. – М-Л.: Земля и фабрика, 1930. – С. 42.

³ Юнусова Л.И. Торговая экспансия Англии в бассейне Каспия в первой половине XVIII века. ... – С. 62.

вакиллари билан товар айирбошлови амалга оширилган. XVII асрда йирик савдо ва карвон йўллари туташган марказ бўлган Шероз шахрида Дон Хуан Форсий (Уружбек Боёт)нинг (1604) таъкидлашича, ўрта осиелик савдогарлар бошқа худудлар савдогарлари қаторида европалик савдо аҳли билан савдо алоқаларига киришганлар¹.

XVI асрга келиб, Европа-Осие савдо алоқаларида Каспий денгизи аҳамиятининг ортиши билан унинг ғарбий қирғоғида Кавказorti мамлакатларининг Россия, Ғарбий Европа, Ўрта Осие, Хитой ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган йирик савдо пунктлари-“қасаба”лар ташкил топган². Бу ерда ҳам ўрта осиелик савдогарларнинг Европа савдо аҳли вакиллари билан алоқалари амалга оширилган.

Ўрта Осиенинг Ғарбий Европа билан савдо алоқаларида Усманийлар давлати муҳим ўрин тутган. Унинг турли марказларида ўрта осиелик савдогарларнинг бошқа мамлакатлар қатори Ғарбий Европа савдогарлари билан мол айирбошлаши фаол амалга оширилган. Бу савдо Усманийлар давлати иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Буни шундан ҳам билса бўладики, ҳукумат даражасида карвонсаройлар, савдогарларни ҳимоя қилиш, савдо йўллари хавфсизлигини таъминлашга доир қонунлар қабул қилинган³. Ўзаро савдо алоқаларида Суриянинг Алеппо шаҳри муҳим ўрин тутган. Ушбу марказга Шемаха-Табриз йўналиши орқали етиб келган ўрта осиелик савдогарлар бу ерда европалик савдогарлар билан муносабатга киришганлар⁴.

Ғарбий Европанинг Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осие билан алоқаларида Сафавийлар давлати муҳим ўрин тутган. Бу мамлакатга Европанинг қизиқишлари асосини озарбайжон ва ғилон ипаги ташкил этган эди. Сафавийларга тобе Озарбайжон худудида Европанинг Осие билан савдо олиб борадиган карвон йўлида ва турли савдо марказларида ўрта осиелик савдогарларни кўплаб учратиш мумкин бўлган⁵. “Мунтахаб ут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон тўра Мисрга қилган сафари чоғида Қоҳира бозорида савдо иши билан юрган икки кўқонлик савдогарни учратган⁶.

Европа моллари Ўрта Осиега турли йўллар билан олиб келинган. Жумладан, Яқин Шарқ, Кичик Осие ва Африка шимолида жойлашган савдо марказларида бўлган бухоролик, хивалик, кўқонлик ва Ўрта Осиенинг бошқа марказлари савдогарлар турли хорижий мамлакатлар, хусусан, Европа молларини ўз юртларига олиб қайтганлар ва улар билан ички бозорда қизгин савдо амалга оширилган. Шунингдек, бу моллар Ўрта Осиенинг савдо-иқтисодиёт марказларига ҳинд, форс, арман, афғон, рус савдогарлари орқали ҳам олиб келинган. Ўрта Осиенинг шундай йирик марказларидан бири

¹ Книга Орудж-бека Баята Дон Хуана Персидского. Пер.с английского, введение и комментарии О. Эфендиева, А.Фарзалиева. – Баку.: Язычы, 1988. – С. 160.

² Дадашева Севда Урхан кизи. Азербайджан в международной торговле XVI века. ... – С. 14.

³ Книга законов Султана Селима I. – М.: Наука, 1969. – С.37.

⁴ Тикадзе М.И. Левантская торговля и города Сирии в XVI–XVIII в // История и экономика арабских стран. Сборник статей. – М.: Наука, 1977. – С.133.

⁵ Курбанова Ч. А. Шёлк Азербайджана в торгово-дипломатических отношениях Сефевидского государства со странами Европы в первой половине XVII в: Автореф. дисс. ... канд. ист.наук. – Баку: ИИ АН АзССР, 1984. – С.2.

⁶ Хуршут Энвер. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёхатлари. – Т.: Фан, 1987. – Б. 32.

Бухоро эди. А.Женкинсоннинг ёзишича, XVI асрнинг ўрталарида Бухорода ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардан келган савдогарларнинг йиғилишлари бўлиб турган¹. Табиийки, улар Бухорога савдо моллари билан бирга ишлаб чиқариш соҳасидаги малака ва маҳоратларини ҳам олиб келганлар². Ўрта Осиё хонликлари учун йирик савдо-иқтисодий маркази бўлган Бухорога бир йилда 12-15 минг туя савдо моллари олиб келинган³. Бухоро бозорларида Европада ишлаб чиқарилган саноат моллари, Хитой чойи, Ҳиндистон шакари, Манила зираворларини топиш ва кўшни даштлардан келган туркман, форс, турк, ҳинд, хитой, афғон савдогарларини учратиш мумкин бўлган⁴. Н. Ханиковнинг қайд этишича, Шарқ ва Ғарбнинг савдо йўли кесишадиган Бухоро шаҳри йирик транзит марказ сифатида Осиё савдосида муҳим аҳамиятга эга бўлган⁵.

Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, нафақат савдо предмети, балки ҳукмрон доира вакиллари, аслзодалар ўртасида совға вазифасини ҳам ўтаган. Жумладан, француз қироллари Шарқ савдо маҳсулотларидан коллекция йиққанлар ва саройдаги базм ҳамда тантаналарда Осиё мамлакатларидан олиб келинган ашёларни намойиш этганлар. XVII аср 60–йилларида Россияда бўлган итальян савдогари Филиппо Балатри Парижда Людовик XIV га Бухоронинг парча матосидан тайёрланган кийимни тортиқ қилганлиги ҳам ўша даврда француз аслзодалари орасида Осиёда тайёрланган маҳсулотлар қадрланганлигидан далолат беради⁶. А.Женкинсон Ўрта Осиёдан рус подшоси Иван IV учун Хитой оқ хўкизининг қимматбаҳо думи ва “татар” доирасини⁷ олиб борган, инглиз қироличаси Елизаветага эса “татар” қизи Ойша султонни ўзи бўлган ўлкалардаги инсонларнинг вакили сифатида таништирган⁸.

Ўрта Осиё аҳолисининг юқори табақа вакиллари орасида кўп тарқалган бахмал матоси дастлаб теурийлар даврида, кейинчалик шайбонийлар ҳукмронлиги даврида бошқа мамлакатларга ҳам чиқарила бошланган⁹. Айрим адабиётларда бу ном Усманийлар империясининг ипак мато ишлаб чиқариладиган шаҳри Бурса, бошқаларида эса Бухоро номи билан боғлиқлиги таъкидланади¹⁰. Матони ишлаб чиқариш усули ташқи савдо алоқалари натижасида Ўрта Осиёдан Усманийлар давлати иқтисодий марказларига тарқалган бўлиши мумкин.

Квадрат шаклидаги йирик гулли “Байберек” (Бай–бой киши, берек ёки барак чигатой тилида юмшоқ мато¹¹) матоси ҳам ишлаб чиқариш хусусиятларига кўра, турк, бухоро ва хитой турларига бўлинади.

¹ Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. ... – С.184.

² Абаева Т.Г. Рус ва Ўрта Осиё сайёҳларининг Шарқ ҳақидаги илк маълумотлари (XII – XVII асрлар). – Т., 1971. – Б. 28.

³ Исмаилова Б. Политическая история Бухарского эмирата при Эмире Хайдаре. ... – С. 73.

⁴ Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир (Архив хужжатлари асосида) // Шарқшунослик. –Тошкент., 1997.– №8. – Б. 162.

⁵ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.18.

⁶ Записки Филиппо Балатри о России при Петра I / Сборник Старая Москва. Т.1. – Москва., 1929. – С. 98.

⁷ Никашидзе Н.Т. Русско-английские отношения во второй половине XVI века. – Тбилиси., 1955. – С.71.

⁸ Толстой Ю. Англия и её виды на Россию в XVI веке // Вестник Европы. – Петербург, 1845. – № 8. – С.489.

⁹ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. – Т.: Фан, 1976. – С.69.

¹⁰ Клейн В. Иноземные ткани, бытовавшие в России до XVIII века и их терминология. – М., Оружейной палаты, 1925. – С.39.

¹¹ Қаранг: www. slovopectia.com.

“Энциклопедик Лексикон”да кўрсатилишича, “байберек – Бухоро ипак матоларининг бир тури”¹ ҳисобланган.

Ўрта Осиё аҳолисининг ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган матолардан бири атлас бўлиб, у Европа манбаларида илк бор XV асрда Филипп де Комминнинг (1445–1509) “Людовик XI йилномаси”да қайд этилган². XVII асрдан бошлаб, Франциянинг Лангедок ва Дофине графликларида *seizains* – (сўзэн) деб номланувчи мато тайёрлана бошлаган³. Ўрта Осиёнинг амалий санъат намунаси ҳисобланган сўзананинг тайёрлаш услуги ўзгарган тарзда узоқ Францияга етиб бориб, шу номда бу ерда янги матонинг ишлаб чиқарилишига туртки берган.

Ўрта Осиёнинг жаҳон савдосида иштироки натижасида ҳудудга нафақат кундалик турмуш учун зарур моллар, балки замонавий Европа ҳарбий қурол-аслаҳалари, уларни яшаш усулларининг кириб келишига имконият яратган. Жумладан, XVI аср ўрталарига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлган ўқ отар қуроллардан илк бор бухоролик маҳаллий ҳукмдор Саид Бурхониддин кўшинлари фойдаланган⁴. XVI асрда Ҳофиз Таниш Бухорийнинг маълумот беришича, дарбанд совутлари ва фаранг (европа) қурол-аслаҳалари Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухорога олиб келинган⁵. Манбаларда “фаранги” деб аталувчи металл совут ёрдамида Европа андозасидаги ҳимоя воситаси билан ҳимояланган от минган жангчилар XVI асрнинг иккинчи ярмидаги жангларда кўплаб учраши ҳақида маълумотлар берилган⁶.

“Тарихи Азизий” асарида ёзилишича, XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида кучсизланган давлат тепасига чиққан Худоёрхон (1845-1875), “...саллотлари (аскарлари) сонини жуда кўпайтиради ва яхши тўпларни мавжуд қилиб, яхши милтиқларни Исламбул (Истамбул) дан олдириб келади”⁷. 1860 йилда Исмоил исмли савдогар Тошкентда бўлган вақтида Қўқонда француз ва инглизлардан иборат бир неча киши қурол–яроғ, айнан тўп қуйиш билан шуғулланаётганлиги ҳақида маълумот беради ва Европа услубида тайёрланган 12 та мис тўпларни кўрганлигини ёзади⁸.

Ўрта Осиёнинг жаҳон савдосидаги иштирокининг ташаббускорлари бўлган минтақанинг айрим ҳукмдорлари Европа билан савдо натижасида ўлкага келтириладиётган савдо молларига биринчилардан бўлиб харидор бўлганлар. Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухоро бозорларида Осиё мамлакатларида ишлаб чиқарилган матолар билан бир қаторда Европа матолари ҳам кўпайган. Шу сабабдан Абдуллахон II мамлакатда ўтказиладиган тантаналар чоғида Бухоронинг кўча ва бозорларини Миср, Сурия, Эрон, Рум (Туркия) ва Чин-Мочин (Хитой)дан келтирилган қимматбаҳо матолар қаторида Европа (фаранги) матолари билан безатишни

¹ Энциклопедический Лексикон. – СПб., 1835. Т.IV. – С. 238.

² Клейн В. Иноземные ткани, бытовавшие в России до XVIII века и их терминология. ... – С.54.

³ Braudel F. et etc. Le decline de Venise au XVI em siecle / Aspetti e cause della decfdenza economica veneziana nel secolo XVII. – Venise. 1961. – P. 121.; www. books. google. com.

⁴ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. – Т.: Фан, 1976. – С. 121.

⁵ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. –Т., 1999. – Б.116.

⁶ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. ... – С. 118

⁷ Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Т., 1999. – Б.15.

⁸ ЎзР МДА, И.715–фонд, 1–рўйхат, 23–иш, 105–варақ.

буюрган¹. Муҳаммад Юсуф Муншининг маълумотига кўра, аштархонийлар сулоласи ҳукмдори Надр Муҳаммадхон (1642–1645) хазинасида бир неча сандикда тўқ сарик рангдаги фаранги (Европа) бахмал матолари қимматбаҳо бойлик сифатида сақланган².

Буюк географик кашфиётлардан кейин билвосита савдо усули Россия давлатининг Европа-Шарқ иқтисодий муносабатларида воситачиликни ўз қўлига олиши натижасида ривожланди. Аммо, бу даврда ўрта осиелик савдогарларнинг шахсий ташаббуслари билан ҳам бевосита савдо амалга оширилган. Масалан, Суриянинг Александретта порти божхона журнали қайдларига кўра (XVII аср), Бағдод, Бухоро ва Жульфа савдогарлари оддий мовут ва баъзи Шарқ мамлакатларида кийиладиган попукли бош кийими (феска, хождўппи) билан савдо қилиш учун Марсель шахрига, қизил мовут ва ойналар билан савдо қилиш учун эса Венецияга қатнаб турганлар³.

XVII асрда бошланган иқтисодий юксалиш туфайли Европада саноат, айниқса, тўқимачилик ишлаб чиқариши ривожланиши натижасида импорт моллари ўрнига уларни экспорт қилиш кучайган эди. Шу боис, бу даврдан бошлаб, Ўрта Осиёдан Европага олиб борилган моллар совға вазифасини ўтаб, ноёб бойлик рамзи сифатида харид қилинган. Буни Ўрта Осиёдан Ғарбий Европага олиб келинган моллар ассортиментининг ўзгариш жараёнидан кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёдан Европа бозорларига бевосита ва билвосита усулда етказиб берилган савдо моллари ассортиментини даврдан даврга ўзгариб борган. XVI асрда Европа бозорларига чой, ровоч, занданачи матоси, ипак ва ипак матолар, гилам, ложувард чиқарилган ва XVII асрда ҳам бу анъана давом этиб, Европага Ўрта Осиёнинг машхур матолари - атлас, бахмал, кимхоб, занданачи, шиша, қиличлар, Бухоро қорақўли олиб борилган. XVIII асрда эса Бухоро ва Хива рўмоллари, эчки терилари, бўёқлар, XIX асрда Бухоро қорақўли ва гиламлар Европага етказилаётган савдо молларининг асосий қисмини ташкил этган.

Ўрта Осиё давлатларининг Россия билан савдо-дипломатик соҳадаги алоқалари Иван Грозний томонидан Қозон (1552) ва Астрахань (1554) хонликларини босиб олиниши билан янги босқичга кўтарилган. 1557 йилдан Пётр I тахт тепасига келгунига қадар (1682 йил) савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлида Москва ва Ўрта Осиё давлатлари дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро 36 марта элчилар алмашган⁴. алмашган⁴. Савдо-иқтисодий алоқаларда Россия ҳудудидаги Архангельск, Астрахань, Москва, Оренбург, Тара, Тобольск, Тюмен, Қозон каби йирик савдо марказлари ва Ирбит, Ямишев ҳамда Нижегородск ярмаркалари муҳим ўрин тутган⁵.

Россия давлатининг Шарқ савдогарлари учун жорий этган бож тизимида Ғарб мамлакатлари билан савдо алоқалари бож тизимига қараганда имтиёзли

¹ Мукминова Р.Г. Позднефеодальные Бухара и Самарканд–центры связей Средней Азии с сопредельными странами, Россией и Европой / Позднефеодальный город Средней Азии. – Т.: Фан, 1990. – С. 98.

² Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. – Т.: Фан, 1957. – С. 94.

³ Кельди-Надь Дь. Данные к истории Левантской торговли в начале XVII столетия / Восточные источники истории народов Юго-Восточной и Центральной Европы. Вып.2. – М.: Наука, 1969. – С.329.

⁴ Азатьян А.А. О географической изученности Средней Азии до второй половины XIX столетия // Известия Узбекского филиала географического общества СССР. – Ташкент, 1962. Т.6. – С. 124.

⁵ Қаранг: Зиёев Ҳ.З. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. – Т.: Шарқ, 2003. – 320 б.

жихатлари мавжуд эди. Чунки, ўрта осиелик савдогарлар Россиянинг барча шаҳарларида 5 % божхона солиғи тўлаган XVII асрнинг биринчи ярмида, европалик савдогарлар Архангельск, Новгород ва Псков каби чегара шаҳарларда 6 % миқдорида бож тўлаганлар¹. Аммо, 1667 йил 21 майдан эътиборан ўрта осиелик савдогарларнинг молларига Россиянинг баъзи шаҳарларида божхона тўлови 10%гача кўтарилган². Бу билан Рус ҳукумати Ўрта Осиё савдогарлари томонидан Россия ҳудудига олиб келинаётган савдо молларини европаликлар кўлига етиб боришидаги воситачиликдан келадиган даромадни қўлдан чиқармасликни кўзлаган эди. Шунингдек, бу тадбир ўрта осиелик савдогарларнинг Россия ҳудудида эркин ҳаракатланиши ҳамда уларнинг Европага етишларига тўсқинлик қилган омил вазифасини ҳам ўтаган. Бой иқтисодий имкониятларга эга Ўрта Осиё хонликларига эгалик қилиш борасида XVIII асрнинг охири ва XIX аср биринчи ярмида келиб, Ўрта Осиё хонликларида юзага келган инглиз-рус рақобатининг фаоллашуви натижасида Россия хонликларга нисбатан фаол ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборган.

Ш. Х У Л О С А

Мавзуга оид манба, архив ҳужжатлари, адабиётларнинг илмий таҳлили асосида қуйидаги асосий **хулосалар** юзага келди:

1. Европаликларнинг Осиё мамлакатларига қилган салб юришлари натижасида Шарқ халқлари ҳақида янги маълумотлар тўпланди. Мўғулларнинг Европа мамлакатларига солган хавфи Осиё халқлари ҳаётини ўрганиш ишларини янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Ўрта Осиё ҳақида Европада кенг ёйилган маълумотлар асосан мўғуллар даврида қўлга киритилганлиги боис, унинг аҳолиси ва ҳудудининг номлари узоқ вақт Европа адабиётларида мўғулларга тобе ерлар сифатида ўз аксини топган. Мўғулларнинг уларда “татарлар” деб қайд этилиши, бутун мўғул империясини “Тартария” деб номланишига ва бу ҳудудда яшовчи халқлар татарларга мансуб халқлар сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган. “Ўзбек татарлари” (Tatares Usbeks) атамасининг қўлланиши Европада мўғуллар даврида тўпланган маълумотлар узоқ вақт ҳукмронлик қилганлигидан далолат беради. Европаликлар амалда мустақил бўлган Темурийлар давлатини ҳам мўғуллар давлатининг меросхўри ва издоши сифатида караганлар. XVI асрдан бошлаб, Европа адабиётларида Мовароуннаҳрда вужудга келган мустақил давлатлар – Бухоро ва Хива хонликлари аҳолиси “мустақил татарлар” (Tartares Independent) номи билан қайд этила бошлаган.

2. Буюк ипак йўлининг трансконтинентал аҳамиятини пасайиши билан Ўрта Осиёнинг Европа бозорларига олиб борадиган савдо йўллари таназзулга юз тутди. Аммо, Европа давлатлари (асосан Англия, Голландия ва Шимолий Европа) томонидан Россия, Ўрта Осиё ҳудудлари орқали Хитой ва Ҳиндистон билан савдо алоқалари ўрнатишга интилиши туфайли Ўрта Осиё яна жаҳон савдосининг муҳим таркибий қисмига айланди. Буюк ипак йўли фаолият кўрсатган даврда Ўрта денгиз бўйлаб ўтган Левант савдо йўли Шарқ

¹ Курц Б.Г. Сочинение Кильбургера о русской торговле ... – С.157.

² Юхт А. И. Торговые связи Астрахани с внутренним рынком (20–50-е годы XVIII в.) // Исторические записки. – Москва., 1990. – №118. – С. 165.

молларини Ғарбий Европага олиб бориладиган муҳим йўналиш саналган. Аммо, Кичик Осиёда турклар истилоси, курукликдаги асосий савдо йўлларининг дунё океанларига кўчиши натижасида Буюк географик кашфиётлардан бебахра қолган инглизлар Шарққа олиб борадиган бошқа йўлларни излай бошлаганлар. Натижада Лондондан Архангельсккача олиб борадиган шимоли-шарқий денгиз йўли кашф этилди. Архангельск орқали Волга-Каспий йўналиши билан Ўрта Осиё хонликлариغا етиб келиш мумкин эди.

3. Европадан Россияга олиб борувчи шимоли-шарқий савдо йўлидаги кулайлик туфайли Шарқ молларини Ўрта Осиё орқали Россияга, ундан Европа мамлакатларига олиб борилиши тезлашди. Шимоли-шарқий савдо йўлидаги қизгин савдо унинг узвий давоми бўлган Волга-Каспий йўли, Ўрта Осиё маҳаллий савдо йўлларининг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Бу йўлга Европа ҳукумат ва савдо доиралари катта қизиқиш билан қараганлар. Унинг “Москва” савдо компаниясининг вакиллари А.Женкинсон ва Х. Берроу томонидан текширилиши, Каспий денгизида инглиз савдо флотининг мавжудлиги, шунингдек, Волга-Каспий йўлида Англиянинг уч савдо уйи доимий фаолият юритганлиги бу йўлнинг Европа-Шарқ иқтисодий алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

4. XVI аср ўрталаридан Россия давлати сарҳадларининг Ўрта Осиё чегараларига яқинлашуви ушбу ҳудудлар ўртасидаги савдо муносабатларининг ривожланишига тўртки бўлди. Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ривожланиши, ўз ўрнида европаликлар учун Россия давлати ҳудудини Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиё ҳақида маълумот йиғувчи базага айлантирди.

5. XVI асрда инглиз “Москва” савдо компаниясининг фаолияти натижасида Ўрта Осиё бозорларида илк маротаба Европа маҳсулотлари пайдо бўлди. Аммо, ҳудуддаги нотинчлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражаси туфайли аҳолининг Европа маҳсулотларига эҳтиёж сезмаганлиги, инглиз савдогарларининг ҳеч қандай даромадга эриша олмаганликлари ҳамда хом ашё масаласида Россиянинг иштирокисиз савдо ишларини амалга ошира олмаганликлари аниқланди. “Москва” савдо компаниясининг вакили А.Женкинсоннинг Ўрта Осиёга ташрифи, Европанинг ушбу ҳудуд билан савдо алоқаларини янги босқичга кўтаришга бўлган интилиши эди. Шунингдек Ўрта Осиёнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида Европада илк маълумотларнинг пайдо бўлишига ва ўлка ҳақидаги афсонавий маълумотларнинг муомаладан чиқишига сабаб бўлди.

6. Ўрта Осиё хонликларининг Европа мамлакатлари билан олиб борган бевосита ва билвосита савдо алоқаларини учта асосий босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларда амалга оширилган савдо алоқалари ўз хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Биринчи босқичда (XVI – XVII асрнинг биринчи ярми) Европа мамлакатларининг Хитой ва Ҳиндистон билан куруклик орқали савдо муносабатлари ўрнатишга интилиши натижасида Ўрта Осиё ҳақида мукамал географик маълумотлар тўпланди ва савдо алоқаларига тамал тоши қўйилди. Иккинчи босқичда (XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи ярми) Россия давлатининг кучайиши ва мустақамланиши жараёнида Ўрта Осиёнинг Европа мамлакатлари билан билвосита савдо алоқалари кучайди. Россия

давлатининг воситачилик ролини ортиши билан Ўрта Осиёдан Европага чиқарилган молларнинг ассортименти бойиди. Учинчи босқичда (XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми) дунё мамлакатларида мустамлакачилик ғояларининг кенг ёйилиши натижасида жаҳон савдосида ҳам сиёсий мақсадлар асосий ўринга чиқа бошлади. Ўрта Осиё хонликлариغا Ҳиндистон ва Кавказorti орқали кириб келган инглиз миссиялари ҳамда уларнинг ўлкадаги савдо муносабатларида ана шу мақсад яширинган эди. Зеро, саноатнинг ривожланиши Фарбий Европа мамлакатларининг Ўрта Осиёга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлган эди. Чунки, улар ушбу худудларда ўзларининг узоқ келажакдаги манфаатларини кўраётган эдилар. Уларнинг дастлаб иқтисодий аҳамиятга молик бўлган мақсадлари XVIII асрнинг охири – XIX аср биринчи ярмига келиб мустамлакачилик ғояларига алмашинган. Натижада, XIX асрга келиб, инглиз Ост-Индия компаниясининг Ўрта Осиёга жанубдан кириб келиш йўлидаги ҳаракатларининг фаоллашуви ўлкада инглиз-рус рақобатини келтириб чиқарди. Оқибатда Ўрта Осиё бозорларида рус ва инглиз савдо моллари кўпайди.

7. Европа мамлакатларининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо алоқалари ўрнатишга бўлган интилишларига қарамасдан, икки минтақанинг савдо алоқалари олиб бориладиган тўғридан-тўғри қарвон йўлларининг мавжуд эмаслиги, хавфсизликнинг таъминланмаганлиги ва Россия империясининг ўз манфатлари йўлида Ўрта Осиё – Европа иқтисодий алоқаларига сунъий тўсиқлар қўйиши оқибатида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари фаол жаҳон савдосидан четда қолди.

Тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант истиқболда қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** амалга оширишни лозим деб ҳисоблайди:

– Ўрта Осиёнинг нафақат Европа билан, балки дунёнинг бошқа мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини қадимдан то ҳозирги кунгача тарихий изчилликда тадқиқ этиш;

– Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари, ижобий ва салбий оқибатларини комплекс тарзда ўрганиш лозим.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Эрқўзиев А.А. Ўрта Осиё хонликларини Европа мамлакатлари билан боғлаган савдо йўлларининг фаолиятида юз берган айрим ўзгаришларга доир // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2007. – №1. –Б.115-121.
2. Эрқўзиев А.А. Ўрта асрларда Европада Ўрта Осиё хонликлари ҳақида маълумотлар тўпланишининг босқичларига доир айрим мулоҳазалар // “Тарих тилга кирганда...”. Илмий тўплам. –Наманган, 2007. –Б.18-20.
3. Эрқўзиев А.А. Амир Темур шахсини Европада ўрганилишига доир айрим маълумотлар (XVI-XVIII асрлар) // “Амир Темур ва ҳозирги замон”: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДТУ, 2007.–Б.30-34.
4. Эрқўзиев А.А. XVI-XVIII асрларда Европа ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар: энг қисқа савдо йўли // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2007. – №3. –Б.73-76.
5. Эрқўзиев А.А. Ўрта Осиё хонликлари аҳолиси этник таркиби европаликлар нигоҳида // “К.Шониёзов ўқишлари”: Республика илмий-назарий конференция материаллари.– Наманган: НамДУ, 2007. –Б.187-191.
6. Эрқўзиев А.А. Амир Темур шахсининг Европа аҳолиси дунёқарашида акс этиши // Мозийдан садо. – Тошкент, 2007.– № 4. –Б.22-24.
7. Эрқўзиев А.А. XVI-XVII асрларда шимоли-шарқий савдо йўлининг Ўрта Осиё хонликлари ва Ғарбий Европа муносабатларида тутган ўрни // Академик У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. –Тошкент, 2008. –Б. 55-58.
8. Эрқўзиев А.А. Н.К.Витсеннинг “Шимолий ва Шарқий Тартария” асари Европада Ўрта Осиёни ўрганиш тарихига оид муҳим манба // Тарихий манбашунослик муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзМУ, 2008. –Б.129-132.

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Эрқўзиёв
Анваржон Ашуровичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги
бўйича “Ўрта Осиё ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар
(XVI–XIX асрнинг биринчи ярми)” мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Ўрта Осиё, “Туркхон”, савдогар, мўғуллар, Татария, “Чигатой” ўзбеклари, А.Женкинсон, “Москва”, “тезиклар”, шимоли-шарқий савдо йўли, Дмитрий Герасимов, Птоломей назарияси, Крайер, бевосита ва билвосита савдо, транзит марказлар, Шемаха, Уружбек Боёт, маҳаллий савдо йўллари, қирмиз, кошениль.

Тадқиқот объекти: XVI – XIX аср биринчи ярмидаги Ўрта Осиё хонлиқларининг ташқи сиёсий, дипломатик ва иқтисодий алоқалари.

Ишнинг мақсади: XVI – XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг Европа мамлакатлари билан олиб борган бевосита ва билвосита иқтисодий алоқаларини бирламчи манбалар асосида ёритиб бериш.

Тадқиқот усуллари: тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, холислик, даврий изчиллик усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертацияда XVI–XIX асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари ва Ўрта Осиё ўртасида бевосита ва билвосита амалга оширилган савдо алоқалари илк бор атрофлича чуқур ўрганилди. Европа мамлакатларининг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари ўрнатишга бўлган интилиши туфайли қитъада тўпланган маълумотлар, Ўрта Осиё худуди ва иқтисодий имкониятлари акс эттирилган манбалар, Европа ҳукмрон доираларининг Ўрта Осиё хонлиқлари орқали ўтувчи транзит савдо йўллари билан боғлиқ режалари ва ундан кўзланган мақсадлар ёритиб берилди. Европа ва Шарқни бевосита ва билвосита боғлаган савдо йўллари, улар ҳолатида юз берган ўзгаришлар, ўзаро савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган моллар, улар ассортиментида юз берган ўзгаришлар аниқланди. Илк бор Ўрта Осиёнинг Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларида муҳим рол ўйнаган шимоли-шарқий савдо йўли ва унинг тармоқлари тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ва илмий хулосалари Ўзбекистон тарихининг ташқи иқтисодий алоқаларини мукамал тарзда ёритишга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолаларда ҳамда илмий анжуманлардаги чиқишларида ўз аксини топган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижалари ижтимоий фанларнинг барча соҳаси тадқиқотчилари, шунингдек Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун назарий қўлланма ва ахборот манбаи бўлиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Эркузиева Анваржана Ашуровича на тему: “Экономические связи между Средней Азией и Западной Европой (XVI – первая половина XIX века)” на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01-История Узбекистана.

Ключевые слова: Средняя Азия, «Гуркхан», торговец, монголы, «Москва», «тезики», северо-восточный торговый путь, Дмитрий Герасимов, теория Птоломея, Крайер, посредственная и непосредственная торговля, центры транзита, Шемаха, Уруджбек Баят, местные торговые пути, кермес, кошениль.

Объект исследования: внешнеполитические, дипломатические и экономические связи среднеазиатских ханств в XVI – первой половине XIX веков.

Цель исследования: раскрыть на основе первичных источников опосредственные и непосредственные экономические связи Средней Азии и европейских стран XVI – первой половине XIX веков.

Методы исследования: при осуществлении использоваться методами историзма, правдивого освещения и хронологической последовательности.

Полученные результаты и их новизна: в диссертации впервые комплексном виде изучены опосредственные и непосредственные экономические связи Средней Азии со странами Западной Европы в период XVI–XIX вв. Также, освещены источники и материалы, возникшие в Европе со стремлениям стран данного региона к установлению торговых связей со Средней Азией, а также прослежены литературы, отражающие экономические возможности и интересы Средней Азии, в том числе планы господствующих кругов Европы, связанные с транзитным торговым путем, проходящим через среднеазиатские ханства. Определены опосредственные и непосредственные торговые пути связывающие Европу с Востоком, изменения, произошедшие в их направлении, и в ассортименте товаров. Впервые представлен северо-восточный торговые путь, который занимал важное место в торговых отношениях между Средней Азией со странами Европы.

Практическая значимость: результаты исследований и научные выводы служат для углубленного освещения внешнеэкономических связей истории Узбекистана.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты и идея исследования получили свои отражения в научных статьях издаваемых диссертантом и выступлениях на научных конференциях.

Область применения: результаты исследования могут служить теоретическим пособием и информационным источником для исследователей всех общественных наук также для специалистов, занимающихся изучением истории Узбекистана.

RESUME

Thesis of Erkuziev Anvarjon Ashurovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in history on specialty 07.00.01 - History of Uzbekistan on the subject “Economic relations of Central Asia and Western Europe (in the 16th - 1st half of the 19th centuries)”.

Key words: Central Asia, “Gurkhan”, merchant, Mongols, Tatarstan, Chagatay Uzbeks, A. Jenkinson, “Moscow”, “teziklar”, north-eastern trade road, Dmitry Gerasimov, theory of Ptolemy, Crayer, direct and indirect trade, centers of transportation, Shemaha, Urujbek Bayat, local trade roads, koshenel, kirmiz.

Subjects of the inquiry: external-political, diplomatic and economic relations of Central Asia with European states in the 16th – in the 1st half of the 19th centuries.

Aim of the inquiry: find out direct and indirect economic relations of Central Asia and European countries in the 16th – in the 1st half of the 19th centuries.

Methods of inquiry: historical-retrospective, problemical-chronological and contrastive-comparative methods have been used.

The results achieved and their novelty: the first time direct and indirect relations between countries of Western Europe and Central Asia in the period of the 16th-19th centuries are deeply examined in the dissertation. Also, it is analyzed sources and materials, appeared in Europe with longings of countries of the given region to determination of the trade relations with Central Asia, as well as investigated literature, reflecting economic possibilities and interests of Central Asia, and plans of ruling circle of Europe, connected with transit trade way, getting through Central Asian khanates. The direct and indirect trading roads which connected Europe and East, occurred changes in their directions, goods, which had a special place in trade and changes, happened in them were defined. At first, there was presented North-Eastern trade road, which had an important place in trade relationships between Central Asia and European countries.

Practical value: the results of research serve for deepening show of external economical connections of history of Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: the main results and the idea exploration were reflected in the scientific articles from given dissertational performance on the scientific conferences.

Sphere of usage: the results of explorations can serve as a theoretical handbook and an informational source for explorers of all social sciences, and also for specialists, which are busy with learning of the history of Uzbekistan.